ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ 105 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

“ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ-МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ БАРҚАРОРЛИГИ ОМИЛИ”

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ
(3 май 2023 йил)

INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE DEVOTES TO THE 105th ANNIVERSARY OF THE NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN

“DEVELOPMENT OF HUMAN CAPITAL IS A FACTOR OF THE NATIONAL ECONOMY’S SUSTAINABILITY”
(May 3, 2023 year)

Тошкент-2023

xorijiy investitsiyalarning samaradorligi haqida tushuncha berishga yordam beradi, chunki investitsiyalar turli xil xususiyatlarga ega bo'lishi mumkin. Misol uchun, bir mamlakat uchun xorijiy investitsiyalar samarali bo'lishi mumkin, boshqa mamlakat uchun esa tashqi qarzlar samarador bo'lishi mumkin.

Investitsiya xavfsizligi: Investitsiya xavfsizligi, mamlakatlar uchun xorijiy investitsiyalarning samaradorligini ta'sir qilishi mumkin. Investitsiya xavfsizligi, investitsiya qiluvchilarning xavfsizlikni ta'minlash va mamlakatlar uchun xorijiy investitsiyalarning jalb qilishda xavfsizlikni ta'minlashga yordam beradi.

Xorijiy investitsiyalardan kelajakdagi daromadlar: Xorijiy investitsiyalardan kelajakdagi daromadlar, mamlakatlar uchun xorijiy investitsiyalarning samaradorligini aniqlash uchun muhimdir. Bu, investitsiya qiluvchilarning kelajakdagi strategiyalari va xorijiy investitsiyalardan o'tgan yillardagi daromadlarini hisobga olgan holda mamlakatlar uchun xorijiy investitsiyalarning kelajakdagi samaradorligini prognoz qilishga yordam beradi.

Bular jami, investitsiya qabul qiluvchilar uchun xorijiy investitsiyalarning samaradorligini aniqlashda yordam beradigan ko'rsatkichlardir. Bu ko'rsatkichlarga qarab mamlakatlar xorijiy investitsiyalarni jalb qilish va ularning xavfsizligini ta'minlash uchun strategiyalarini rivojlantirishlari mumkin.

Ҳусенов С.
СамИСИ, мустақил изланувчи,
t: +9989 [1] 524 0309,e: sodiq.husenov85@gmail.com
Khaydarov R.
College of Business, TU Dublin, Dr
t: +353 [1] 220 6441, e: ravshan.khaydarov@tudublin.ie

"КАПИТАЛ" ТУШУНЧАСИНИ ИНСОНГА НИСБАТАН ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Инсон капитали аҳолининг ишлаб чиқариш имкониятларини ўлчаш учун гегемон тушунчага айланди
Mark Blaug [1]

Инсон капитали назарияси сўнгги 50 йил ичида иқтисодий тафаккурда тобора муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳодисадир [2], [3]. Иқтисодиётни билимларга асосланиб бориши инсон капитали назариясига бўлган эътиборни янада кучайтирди. Таълим ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги кучли боғлиқлик [4], [5], [6], [7], [8] ушбу назарияни ҳалқаро иқтисодий майдонда энг кучли назариялардан бирига айланишига сабаб бўлди [9], [10], [11], [12]. Шу нуқтаий назардан олиб қараганда, инсон капитали назариясини тадқиқ этиш миллий иқтисодиёт учун ўта муҳим масалалардан бирига айланиб улгурди. Мамлакатимизда инсон

“бош” каби мазмунда келади [25]. “Капитал” - бу тадбиркор томонидан даромад келтириш учун йўналтирилган сармоя, восита, яъни эгасига қиймат келтирувчи қиймат [26]. Яна бир манбада, “капитал” - бу эгасига қиймат берадиган ёки фойда келтирадиган ҳар қандай нарса, масалан, завод ва унинг машиналари, патентлар сингари интеллектуал мулк ёки корхона ёки шахснинг молиявий активларини тавсифловчи кенг атамадир [27]. Америкалик иқтисодчи Д.Дьюининг айтишича “капитал” – бу ишлаб чиқаришга фойдали роль ўйнайдиган хамма нарса [28]. Яъни, Д.Дьюининг талқинига кўра ишлаб чиқариш воситалари, ер, фойдали қазил-малар, истеъмол предметлари ва ишчи кучини ҳам қамраб олади. Дж. Кендрик эса “капитал” деб, маълум бир вақт мобайнида маҳсулот ва даромад (даромаднинг нобозор шаклларини ҳисобга олган ҳолда) яратиш қобилиятини тушунади [22]. П.Самуэльсон ва У.Нордхаузлар фикрича “капитал” – иқтисодиёт томонидан бошқа товарларни ишлаб чиқариш учун яратилган узоқ муддатли фойдаланиш неъматларидан иборат[22].

Келтирилган “капитал” борасидаги таърифлар мазмунидан шуни англашимиз мумкинки, “капитал” – бу ўзи-ўзини кўпайтирадиган қиймат яъни, қўшимча қиймат келтирувчи қийматдир. Капитал концепциясидан маълумки пул ҳам, ишлаб чиқариш воситалари ҳам ёки бошқа капитал сифатида эътироф этилган ҳар қандай воситалар ҳам ўз ҳолича олинганида капитал бўла олмайди, балки улардан қўшимча қиймат олиш учун фойдалангандагина капиталга айланади [28]. Демак, капитал концепциясига кўра, инсон капитали дея, эътироф этилаётган қобилият, билим, кўникмаларидан фойдаланмаса ёки бирор истеъмол қиймати яратмаса у “капитал” бўла олмайди. Инсондаги қобилият (меҳнат қилиш қобилияти) сотилмас экан, у хеч нарса эмасдир [29].

Дарҳақиқат, “Капитал” тушунчасининг мазмуни, моҳияти ва ўзига хос бўлган хусусиятларни “инсон”га нисбатан қўлланилиши қай даражада иқтисодий-ижтимоий ҳамда ахлоқий нуқтаий назардан тўғри (адолатли) бўлади? Бу борада дастлаб классик иқтисодчилардан А.Смит, В.Тюнен ҳамда И.Фишер [3], [30]ларнинг илмий қарашлари ўрганилди.

А.Смит асосий капиталга ер, бино, техника ва инсон қобилиятларини киритиш керак деган фикрни илгари сурган [31]. Унинг таъкидлашича, “ишчиларни кўникмалари ва қобилиятларини капитал сифатида ҳисобга олиш керак, чунки унга эришиш маълум ҳаражатларни ўз ичига олади ва у ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади” [31]. А.Смит томонидан келтирилган иқтибосда эътибор берилса, “кўникма ёки қобилият”га эришиш “харажат” талаб қилгани учун “капитал”га киритиш лозимлигини таъкидлаган. Демак, капитал концепцияси нуқтаий назаридан қаралса, “харажат”нинг формаси аслида бу пул кўринишида эга бўлган капиталдир. Иш берувчи ёки бирор якка бир шахс хам ўзида қандайдир кўникма ёки малакага эга бўлишини сабаби у ҳам ўша касби

чуқур тадқиқ этган олим сифатида тан олиш керакки "инсон капитали" концепциясини шаклланиши ва ривожланишида ўзининг ўрни ва ҳурматига эга. "Инсон капитали" концепцияси билан боғлиқ кўплаб адабиётларда [1], [2], [4], [35] К.Марксннинг илмий ёндошувлари ҳам чуқур ўрганилган ва таҳлил қилинган. К.Маркс ҳам А.Смит сингари ишчини таълими учун сарфланган пулни харажат сифатида қараган. У "Капитал" асарида шундай ёзади: "Кишининг умумий табиатини ўзгартириш учун, яъни унинг муайян бир меҳнат соҳасига тайёргарлик ва малака ҳосил қилиши, тараққий топган ва махсус ишчи кучи бўлиши учун, унга муайян таълим ёки тарбия берилиши лозимдирки, бунга ҳам, ўз навбатида озми-кўпми миқдорда товар эквивалентлари сарф қилинади. Таълим бериш учун қилинадиган бу чиқимлар, иш кучининг малакасига қараб турличадир. Демак, бу таълим бериш чиқимлари – одатдаги иш кучи учун арзимас даражада кам бўлса ҳам – иш кучини ҳосил қилишга сарфланадиган қийматлар жумласига киради" [29]. Юқорида келтирилган фикрга эътибор берилса, К.Маркс ҳам А.Смит, Т.Шулц, Г.Беккерлар каби ишчини таълим олиши учун маълум ҳаражат қилиниши кераклиги таъкидлаган. У ишчини таълими учун қилинган харажатни жуда кам деб эътироф этишидан билса бўладики, у даврда ишчиларнинг таълим даражасига эътибор деярли кам бўлган. Хозирги кунда эса ишчиларга, уларни билими ва малакаси учун сарфланадиган харажатлар корхоналар бюджетини катта қисмини ташкил этаётгани маълум.

К.Маркс А.Смитдан фарқли уларок инсон қобилиятлари ва кўникмаларини капитал сифатида қарамаган, балки у инсонни (ишчи кучи сифатида) ўзини "капитал" деб, билган [24]. Фикримизча, К.Маркс меҳнат қилиш қобилияти инсон жисмига жойлашганлиги, уни инсондан ажратиб олиш имконсизлиги сабаб, ишчини ўзини капитал деб айтган бўлиши мумкин. Чунки, унинг ишчи кучига берган таърифи айнан ушбу ҳолатни янада чуқур англашга инсонни (капитал) ўзини товар эмас балки унинг ишчи кучи яъни меҳнат қилиш қобилиятини товар деб таърифлаганини кўришимиз мумкин. Яъни, "Ишчи кучи ёки меҳнат қилиш қобилияти деганда, деб ёзади К.Маркс, - биз организм, жонли инсон шахси эга бўлган ва у бирон бир истеъмол қийматларини ишлаб чиқарган вақтда ҳар сафар ишга соладиган жисмоний ва маънавий қобилиятларининг жамини тушунамиз" [29], [24], [28].

Бизга маълумки, К.Маркс яшаган даврда ишлаб чиқариш жараёнини қатнашадиган омиллар таркибида муҳим омил ёки капитал бу ишчи кучи бўлиб ҳизмат қилган. Ҳозирги кунда ҳам ижтимоий ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан ишчи кучи ҳамон мухим капитал сифатида қаралмоқда [24], [36]. Иш берувчи ишчини маълум бир вақт оралиғида уни меҳнат қилиш қобилиятини ижарага олади, яъни асосий воситани сотиб олгандек, уни ҳам (меҳнат қилиш билан боғлиқ эгалик хуқуқи ишчига сақланиб қолади) сотиб олади. Ана шу ерда ишчи

Шу сабабли, таълимга энди "истемол" деб эмас балки "сармоя", "инвестиция" деб қараш шаклланди. М.Блауг эътироф этганидек, таълим "истеъмол" эмас балки, "сармоя"дир [2].

Т.Шулц таъкидлашича "мен таълимни инсонга сармоя сифатида қарашни ва унинг оқибатларини капиталнинг бир шакли сифатида кўриб чиқишни таклиф қиламан. Таълим уни олаётган кишининг бир қисмига айланганлиги сабабли мен уни инсон капитали деб, эътироф этаман"[2]. Т.Шулц таъбири билан айтганда, "инсон капитали қатъий иқтисодий тушунча". Айнан инсон капитали дейилиши сабабини у қўйидагича тушунтиради. Инсон капитали бу инсонга тегишли бўлган психологик, ижтимоий, маданий (хулқ-атвор) ўзига хос бўлган хусусиятларидир. Булар капиталнинг бир шаклидир. Уни инсон жисмидан ажратиб олиб бўлмайди. Чунки бу инсон учун асосий манба булиб хисобланади. Ушбу манбалар инсонни келажакдаги даромад ва қониқиш ҳосил қилиши учун муҳимдир [32]. Т.Шулц айтган фикрларига эътибор берилса, инсон капитали шундай капиталнинг шаклики, ундан фақат моддий кўринишдаги пул шаклидаги қиймат ёки фойда олиш назарга тутилмаяпти. Балки қандайдир бир қониқиш яъни, хиссий мамнунлик олиш мумкин деган ғояни илгари сурмоқда.

Инсонга нисбатан "капитал" атамасини ишлатиш борасида Г.Беккер қуйидаги фикрларни билдирган. Яъни, "Инсонларни аксарият кўпчилиги "капитал" деганда, доим банкдаги пулларни, қимматли қоҳозларни (акцияларни) пўлат ишлаб чиқарувчи заводларни турли ускуна ва асосий воситаларни тушунишади. Чунки, буларни хаммаси узоқ вақт давомида даромад ва бошқа фойдали натижаларни берадиган маънода "капитал" деб қараб келинган. Бироқ мен капиталнинг бошқа тури ҳақида гапирмоқчиман. Масалан, мактабда таълим олиш, компьютер ўрганишга учун курсга бориш, турли маърузаларга қатнаш (соғлиқни сақлаш ва тиклаш масалаларида), тиббий хизматлардан фойдаланиш ва бошқаларга сарфланадиган маблағларни инсонга сарфланган инвестиция сифатида қараш мумкин. Ушбу инвестициялар жисмоний ёки молиявий эмас, балки инсонга инсон капиталини вужудга келтиради" [37]. Буни янада соддароқ қилиб Г.Беккер, инсон капитали ишчининг ичида мавжуд бўлган ва уни ажратиб бўлмайдиган капиталнинг моддийлашган шакли эканлигини таъкидлаган [38]. Г.Беккер айтадики, "Кўп инсонлар "инсон капитали" атамасини тушунмасдан танқид қилишмоқда. Улар ханузгача инсонларга қул ёки машинадек восита сифатида қарашмоқда. Менимча дунё ўзгарди. Қўшимча қилиб шуни айтишим керакки, инсон капитали концепцияси капитал томонидан меҳнатни эксплутация қилиш билан боғлиқ масала сифатида қарашмоқда. Шунинг учун ҳам ушбу тушунча академик доира вакиллари ўртасида шубҳали бўлиб қолаётгани кўришимиз мумкин" [39], [37].

Биринчидан, инсонларга нисбаттан "капитал" тушунчасини ишлатиш уларни ахлоқий жиҳатдан таҳқирламайди. Балки уларни оилада, жамиятда ва мамлакатда ҳам ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксакларга кўтаради. Алоҳида таъкидлаш жоизки, "капитал" тушунчаси инсон жисмига эмас, балки инсон жисмида мужассамлашган ва таълим хизматлари орқали шакллантирилган ҳамда ривожлантирилган билим, кўникма, қобилиятлар ва турли атрибутларга ҳамда меҳнат жараёнида ортирилган тажрибаларга нисбаттан қўлланилади.

Иккинчидан, инсондаги билим, кўникма, қобилиятлар ва турли атрибутлар ҳамда меҳнат жараёнида ортирилган тажрибалар ҳам ўзига хос товардир. Сабаби булар ҳам маълум бир меҳнатнинг маҳсулидир. Инсон буларни эгаллаши учун маълум харажат ва меҳнат қилиши талаб этилади. Қолаверса ушбу товар ҳам бошқа товарлар сингари икки хоссага эга. Яъни у кишиларнинг қандайдир эҳтиёжини қондиради ҳамда бошқа буюмга айрибошлаш хусусиятига эга. Инсонлардаги бундай билим, кўникма, қобилиятлар ва турли атрибутлар ҳамда тажрибалар товарнинг икки хоссаси талабларига жавоб берар экан, демак у товар, инсон учун эса капитал бўла олади.

Сўнги сўз ўрнида инсон капитали соҳасидаги ишлари учун Нобель мукофоти билан тақдирланган иқтисодчи Гэри Беккерни қўйидаги сўзларини келтиришни жоиз деб билдик: "...таълим, малака ошириш, кўникмалар ва ҳатто ҳалқ соғлиғи замонавий иқтисодиёт бойликларининг 75 фоизини ташкил этади. Демак, иқтисодий бойликнинг асосий қисми олмослар, бинолар, нефть ёки тўла ҳамёнлар эмас, балки миямиздаги билимлардир. "Аслида иқтисодиётимизни "инсон капитали иқтисодиёти" деб аташимиз керак, чунки бу ҳақиқат""[49].

Фойдаланилган адабиётлар

[1] Mark Blaug, "The Empirical Status of Human Capital Theory: A Slightly Jaundiced Survey." American Economic Association, pp. 827–855, 1976, [Online]. Available: http://www.jstor.org/stable/2722630 .

[2] D. Gillies, *State education as high-yield investment: Human capital theory in European policy discourse*, vol. 2, no. 2. 2011, pp. 224–245.

[3] B. F. Kiker, "The Historical Roots of the Concept of Human Capital Author," *J. Pol*, vol. 74, no. 5, pp. 481–499, 1996.

[4] Mahbub ul Haq, "Reflections on human development," Oxford University Press Oxford, 1995.

[5] Mehrotra S, "Human Capital or Human Development ? Search for a Knowledge Paradigm for Education and Development," *Econ. Polit. Wkly.*, vol. 40, no. 4, pp. 300–306, 2016.

[6] J. Mincer, "Human capital and economic growth," *Economics of Education Review*, vol. 3, no. 3. pp. 195–205, 1984, doi: 10.1016/0272-7757(84)90032-3.

[24] М.М.Хайкин, *Управление сферой услуг в развитии человеческого капитала. – СПб.: Изд-во СПбГУЭФ, 2010. – 159 с.* 2010.
[25] Н. Т. А.Ўлмасов, *Бозор иқтисодиёти*. 1991, p. 140.
[26] А. М. Т. А.Қ.Қодиров, "Иқтисодиёт назариясидан атамалар ва тушунчалар." p. 108 бет, 2000.
[27] "Economics. Capital." https://www.investopedia.com/terms/c/capital.asp.
[28] А.М.Румянцев, "Сиёсий иқтисод," 1978.
[29] К.Маркс, *"Капитал."* 1983.
[30] T. W. Schultz, "Investment in Human Capital." American Economic Association, 1961, [Online]. Available: http://www.jstor.org/stable/1818907 .
[31] S. R. Sweetland, "Human capital theory: Foundations of a field of inquiry," *Rev. Educ. Res.*, vol. 66, no. 3, pp. 341–359, 1996, doi: 10.3102/00346543066003341.
[32] T. W. Schultz, *Human Capital : Policy Issues a nd Research Opportunities*, vol. I. 1972.
[33] Claudia Goldin, "Human capital," *Econ. Hum. Biol.*, vol. 1, no. 2, pp. 207–221, 2014, doi: 10.1016/S1570-677X(03)00035-2.
[34] I. Fisher, "What is Capital?," *Econ. Journal, Vol. 6, No. 24 (Dec., 1896), pp. 509-534*, vol. 6, no. 24, pp. 17–29, 2013, doi: 10.1007/978-3-319-02648-0_2.
[35] C. Peers, "What is 'Human' in Human Capital Theory? Marking a transition from industrial to postindustrial education," *Open Rev. Educ. Res.*, vol. 2, no. 1, pp. 55–77, 2015, doi: 10.1080/23265507.2014.996767.
[36] Р.М. Кочеткова, *Воздействие человеческого капитала на повышение конкурентоспособности экономики*. 2016.
[37] G. Becker, "Human Capital Revisited," *Journal of Chemical Information and Modeling*, vol. 53, no. 9. pp. 1689–1699, 1994, [Online]. Available: http://www.nber.org/chapters/c11229.pdf.
[38] A. Beverungen, S. Dunne, and C. Hoedemaekers, "The university of finance," *Ephemera*, vol. 9, no. 4, pp. 261–270, 2009.
[39] G. S. Becker, "Human Capital: A Theoretical and Empirical Analysis with Special Reference to Education (3rd." The University of Chicago Press, 1994, [Online]. Available: http://www.nber.org/books/beck94-1.
[40] F. M. Nafukho, N. R. Hairston, and K. Brooks, "Human capital theory: Implications for human resource development," *Hum. Resour. Dev. Int.*, vol. 7, no. 4, pp. 545–551, 2004, doi: 10.1080/1367886042000299843.
[41] Y. Gruzina, I. Firsova, and W. Strielkowski, "Dynamics of human capital development in economic development cycles," *Economies*, vol. 9, no. 2, pp. 1–18, 2021, doi: 10.3390/economies9020067.
[42] H. Lenihan, H. McGuirk, and K. R. Murphy, "Driving innovation: Public policy and human capital," *Res. Policy*, vol. 48, no. 9, p. 103791, 2019, doi: